



## 2022 ЙИЛ ТУРЛИ МИЛЛАТГА МАНСУБ ИММИГРАНТЛАР ВИЗАСИ ДАСТУРИ (DV-2022) ЙЎРИҚНОМАСИ

### Дастур ҳақида маълумот

Конгресс қарори билан жорий этилган “Турли миллатларга мансуб иммигрантлар виза дастури –DV” ҳар йили Давлат Департаменти томонидан бошқарилади. Иммиграция ва Фуқаролик Актининг (ИФА) 203(с) бўлими Америка Қўшма Штатларига тарихан иммиграция кўрсаткичи паст давлатлардан бўлган “турли миллатларга мансуб иммигрантлар” деб аталувчи иммигрантлар синфини жорий этади. 2022-солиқ йилида 55000 нафар “турли миллатларга мансуб иммигрантлар” (DV) визалари мавжуд бўлади. DV дастурида рўйхатдан ўтиш бепул.

Дастурда танлаб олинганлар (сараланганлар) “турли миллатларга мансуб иммигрантлар” визаларини олишга мувофиқ бўлишлари учун дастурнинг оддий, лекин қатъий талабларига мувофиқ бўлишлари шарт. Давлат Департаменти сараланганларни компьютерлаштирилган тасодифий лотерея танлови орқали аниқлайди. Давлат Департаменти визаларни олти жўғрофий минтақалар орасида тақсимлайди, ва ҳеч қайси бир давлатга бир йил ичида DV визаларининг етти фоизидан ортиғи берилмайди.

Қуйидаги давлатлар ҳудудида туғилган шахслар DV-2022да иштирок этишлари мумкин эмас, чунки сўнгги беш йил давомида бу давлатларда туғилган умумий сони 50000дан ортиқ шахс АҚШга иммиграция қилган:

Бангладеш, Бразилия, Канада, Хитой (шу жумладан Сянган (Гонконг)), Колумбия, Доминикана Республикаси, Сальвадор, Гватемала, Гаити, Гондурас, Ҳиндистон, Ямайка, Мексика, Нигерия, Покистон, Филиппин, Жанубий Корея, Буюк Британия (Шимолий Ирландиядан ташқари) ва унга қарам ҳудудлар, ва Вьетнам.

Аоминь (Макао) махсус маъмурий округи ва Тайванда туғилган шахслар иштирок этишлари мумкин.

### Иштирок учун талаблар

**1- Талаб: [Америка Қўшма Штатларига тарихан иммиграция кўрсаткичи паст давлатларда туғилган шахслар рўйхатдан ўтишга ҳақли бўлиши мумкин.](#)**

Агар сиз Америка Қўшма Штатларига тарихан иммиграция кўрсаткичи паст давлатларда туғилган бўлмасангиз, сизнинг иштирок талабларига жавоб беришингизнинг яна икки эҳтимоллиги бор.

- Сизнинг турмуш ўртоғингиз Америка Қўшма Штатларига тарихан иммиграция кўрсаткичи паст давлатда туғилганми? Агар жавобингиз ижобий бўлса, сиз турмуш ўртоғингизнинг

туғилган давлатига тегишлиликни даъво қилишингиз мумкин. Бундай ҳолларда, сараланган аризада сизнинг ва турмуш ўртоғингизнинг исмлари кўрсатилган бўлиши, DV визаларини олиш талабларига мувофиқ бўлишингиз ва визаларни олишингиз, ҳамда АҚШга бир вақтда сафар қилишингиз шарт бўлади.

- Сиз Америка Қўшма Штатларига тарихан иммиграция кўрсаткичи паст бўлмаган давлатда туғилгансиз, лекин ота-онангиздан бирортаси ҳам бу давлатда туғилмаган ёки улар сиз туғилган вақтда ўша давлатда қонуний равишда доимий истиқомат қилмаганми? Жавобингиз ижобий бўлса, сиз ота-онангиздан бирининг туғилган давлатига, агар унинг маҳаллий аҳолиси DV-2022 дастурининг талабларини қониқтирувчи давлат бўлса, тегишлиликни даъво қилишингиз мумкин. Бунинг маъноси ҳақида батафсил маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўриб чиқинг.

**2 – Талаб:** Ҳар бир мурожаатчи DV дастурининг таълим/иш тажрибаси талабига жавоб бериши шарт:

- энг камида ўрта ёки унга тенглаштирилиб, 12 йиллик расмий бошланғич ва ўрта таълимни муваффақиятли тамомлаш деб белгиланувчи таълимга эга бўлиш;

ЁКИ

- сўнги беш йил ичида энг камида икки йиллик тайёрлов ёки тажриба талаб қилувчи фаолиятда икки йиллик иш тажрибага эга бўлиш. Мувофиқ меҳнат малакасини аниқлаш учун Давлат Департаменти АҚШ Меҳнат Департаментининг [O\\*Net OnLine](#) маълумотлар базасини қўллаиди.

Мувофиқ меҳнат малакаси бўйича қўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволлар](#) га қаранг.

Мазкур талаблардан иккаласини ҳам қондирмасангиз, DV дастурига ариза топширманг.

### **Рўйхатдан ўтиш даври**

DV-2022 “Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар” дастурига аризалар электрон шаклда [dvprogram.state.gov](http://dvprogram.state.gov) веб-саҳифасида Шарқий Ёзги Вақт (EDT) (GMT-4 ) билан 2020 йил, 7 октябрь, чоршанба куни соат 12:00 дан бошлаб, Шарқий Стандарт Вақт (EST) (GMT-5) бўйича 2020 йил, 10 ноябрь, сешанба куни соат 12:00 гача топширилиши керак. Рўйхатга олиниш даврининг сўнги ҳафтасигача кутманг, чунки юқори талаб веб-саҳифа фаолиятининг секинлашувига олиб келиши мумкин. Кеч топширилган ва қоғоз нусхадаги аризалар қабул қилинмайди. Қонун рўйхатга олиш даврида ҳар бир шахс учун фақат битта ариза топширилишига рухсат беради. Давлат Департаменти биттадан ортиқ киритилган аризаларни аниқлаш учун мураккаб технологиялардан фойдаланади. **Биттадан ортиқ ариза топшириш сизни DV дастуридан четлатишга олиб келади (дисквалификация).**

### **DV-2022 дастурига ариза топшириш тартиби**

Турли Миллатларга Мансуб Иммигрантлар Визалари Аризаси Шакли (E-DV Аризаси Шакли ёки DS-5501)ни электрон равишда [dvprogram.state.gov](http://dvprogram.state.gov) веб-саҳифасида топширинг. Тўлиқ бўлмаган аризаларни қабул қилмаймиз. Аризани топшириш учун тўлов олинмайди. Илтимос, аризангизни

топшираётганингизда янгиланган браузердан фойдаланинг; эскирган браузерлар (масалан: Internet Explorer 8) билан DV электрон тизимида муаммоларга дуч келиш мумкин.

Аризани шахсан ўзингиз, “виза консултантлари”, “виза хизматлари агентлари” ва бошқа шу каби “ёрдамчилар” сиз тўлдиришингизни маслаҳат берамиз. Агар бирор киши сизга кўмаклашса ҳам, ариза сизнинг хузурингизда тўлдирилиши лозим. Шунда сиз саволларга тўғри жавоблар тақдим эта оласиз ва тасдиқлов варағи билан хусусий тасдиқлов рақамингизни кўлингизга ола оласиз. Тасдиқлов варағи билан хусусий тасдиқлов рақамингизни ўзингиз учун сақлаб қўйишингиз ўта муҳимдир. Мазкур маълумотларсиз дастурдаги мақомингизни билиш учун Интернет тизимига кира олмайсиз. Бирор бошқа киши сизнинг ўрнингизга бу маълумотларни сақлаб қўйишни таклиф этса, эҳтиёт бўлинг. Шунингдек, сиз E-DV да кўрсатган электрон почтага кириш ҳуқуқини сақлаб қўйишингиз керак. DV дастурига оид фирибгарлик ҳақида маълумотлар учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўриб чиқинг. DV дастури ҳақида умумий маълумот ва сизга унда ариза топширишда кўмаклашувчи босқичма босқич йўриқнома учун бизнинг [видео лавҳамизни](#) томоша қилишингиз ҳам мумкин.

Тўлиқ ариза рўйхатдан ўтказилганда экранда сизнинг исмингиз ва махсус хусусий тасдиқлов рақами тасвирланган тасдиқлов саҳифасини кўрасиз. Мазкур тасдиқлов саҳифасини маълумотингиз учун принтердан чоп этиб олинг. 2021 йил, 8-майдан бошлаб, сиз [dvprogram.state.gov](http://dvprogram.state.gov) саҳифасига қайтиб кириб, Аризачи Мақомини Текшириш Функциясини (Entrant Status Check) босиб, ўз хусусий тасдиқлов рақамингиз ва шахсий маълумотларингизни киритиб, аризангизнинг мақомини (статусини) текшириш имкониятига эга бўласиз. Сиз Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) дан фойдаланиб, DV-2022 дастурида сараланганингизни ва сараланган бўлсангиз, аризангизни қандай давом эттириш бўйича йўриқномани кўришингиз мумкин. АҚШ ҳукумати бу ҳақда сизга тўғридан-тўғри хабар бермайди. Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) мурожаатингизга боғлиқ кейинги босқичлар ҳақидаги йўриқноманинг ягона манбасидир. Агар сиз сараланган бўлсангиз ва виза учун ариза ва керакли ҳужжатларни тақдим қилсангиз, сиз иммиграцион виза суҳбатингиз санасини текшириш учун Entrant Status Check дан фойдаланишингиз керак. Саралаш жараёни ҳақида қўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўриб чиқинг.

Электрон аризангиз (E-DV) ни тўлдириш учун қуйидаги маълумотларни тақдим этишингиз шарт. Барча талаб этилган маълумотларни тўғри киритмаслик сизни DV дастуридан четлатишга олиб келади:

1. Исм – фамилия, исм - айнан паспортда кўрсатилганидек киритинг. Агар исмингиз фақат бир қисмдан иборат бўлса, уни фамилия ўрнида киритиш керак.
2. Жинс – эркак ёки аёл.
3. Туғилган сана – кун, ой, йил.
4. Сиз туғилган шаҳар.
5. Сиз туғилган мамлакат – Мамлакат номи ҳозирги пайтда сиз туғилган жойга нисбатан қўлланиладиган ном бўлиши керак.
6. DV дастури учун давлат мувофиқлиги ёки тегишлилиги – Мамлакатингизнинг мувофиқлиги одатда сизнинг туғилган юртингиз билан бир хил бўлади. Сизнинг мамлакатингиз мувофиқлиги сизнинг қаерда яшашингиз ёки фуқаролигингизга боғлиқ эмас, агар у туғилган

мамлакатингиздан фарқли бўлса. Агар сиз DV дастурида қатнашишга ҳақли мамлакатда туғилмаган бўлсангиз, мамлакат тегишлилиги бўйича [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўздан кечиринг ва у ердан мамлакат тегишлилиги бўйича сиз учун бирор имкониятлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқланг.

7. Амал қилиб турган ва амал қилиш муддати ўтмаган халқаро сафарлар учун яроқли паспортнинг рақами, паспортни берган мамлакат номи ҳамда амал қилиш муддатининг тугаш санаси. Ушбу талаб фақатгина асосий мурожаат этувчига тааллуқли бўлиб, унинг оила аъзоларига нисбатан қўлланилмайди. Агар сиз истисно талабларига жавоб бермасангиз, у ҳолда сиз амал қилиб турган, халқаро сафарлар учун яроқли паспорт маълумотларингизни киритишингиз шарт. Истисно қўлланилиши мумкин, агар сиз фуқаролиги йўқ шахс бўлсангиз, коммунистик тузумли мамлакатда яшовчи ва ушбу мамлакатдан халқаро сафарларга яроқли паспорт ола олмайсиз, ёки Давлат Хавфсизлиги Котиби ва Давлат Котибидан шахсий истисно рухсатномасини олгансиз. Яроқли паспорт маълумотларини киритмаслик сизни DV визаси учун номуносиб қилади. Истисно талабларига жавоб бериш ёки бермаслигингиз бўйича кўпроқ маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволлардаги](#) 12-саволга қаранг.

8. Аризачиларнинг фотосуратлари – Ўзингиз, турмуш ўртоғингиз ва барча фарзандларингизнинг яқинда (сўнгги олти ой ичида) олинган фотосуратлари. Фотосуратларнинг тузилиши ва техник хоссаларига талабларни [рақамли фотосурат топшириш бўлими](#) да кўринг. Аллақачон АҚШ фуқароси ёки АҚШ қонуний доимий истиқомат қилувчиси бўлган турмуш ўртоғингиз ёки фарзандингиз учун фотосурат топширишингиз шарт эмас. Бирок, сиз улар учун ҳам фотосурат топширсангиз, бу сиз учун муаммо туғдирмайди.

DV дастури аризаларидаги фотосуратлар АҚШ визалари учун фотосуратлар билан бир хил талабларга жавоб бериши шарт. Агар ўзингиз ва оила аъзоларингиз учун топшираётган фотосуратларингиз бирор йўл билан ўзгартирилган бўлса ёки бу талабларга тўлиқ мувофиқ бўлмаса, сизнинг аризангиз дастурдан четлатилади. Олдинги йил дастурига топширилган расмларни қайта топшириш дастурдан четлатилишга олиб келади. Қўшимча маълумот учун куйидаги [рақамли фотосурат топшириш бўлими](#) ни кўринг.

9. Почта манзили –  
Кимга  
Манзил 1-сатр  
Манзил 2-сатр  
Шаҳар  
Туман/Вилоят/Штат  
Почта индекси  
Мамлакат

10. Сиз ҳозир яшаётган мамлакат.

11. Телефон рақами (ихтиёрий).

12. Электрон почта манзили - сиз бевосита киришингиз мумкин бўлган ва биз кейинги йил май ойида сараланганларни хабардор этганимиздан кейин ҳам бевосита киришда давом эта оладиган электрон почта манзилингиз. Аризангиз сараланса ва сиз Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (*Entrant Status Check*) орқали ғолиблигингиз ҳақидаги хабарга жавоб берсангиз, сиз Давлат Департаментидан электрон почта орқали иммиграцион визангиз

бўйича суҳбатингизга оид батафсил маълумотларни Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (*Entrant Status Check*)да кўриб чиқишингиз мумкинлиги ҳақида кўшимча хабар оласиз. **Давлат Департаменти ҳеч қачон DV дастурида сараланганингиз ҳақидаги маълумотни электрон почта манзилига жўнатмайди.** Саралаш жараёни ҳақида кўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўринг.

13. Сиз шу кунга қадар тугатган энг юқори таълим босқичи: (1) фақат бошланғич таълим (2) тўлиқсиз ўрта таълим, (3) тўлиқ ўрта таълим (4) касбий/ўрта махсус таълим (5) тўлиқсиз олий маълумот, (6) бакалавр (7) тугалланмаган магистратура (8) магистр (9) докторантура даражасида курслар ёки (10) фан доктори. Таълим талаблари ҳақида кўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўринг.
14. Ҳозирги оилавий ҳолатингиз – (1) Турмуш қурмаган, (2) турмуш қурган ва менинг турмуш ўртоғим АҚШ фуқароси ёки АҚШ Қонуний Доимий Резиденти (LPR) ЭМАС, (3) турмуш қурган ва менинг турмуш ўртоғим АҚШ фуқароси ёки АҚШ Қонуний Доимий Резиденти (LPR), (4) ажрашган, (5) бева ёки (6) қонуний расмийлаштирилган алоҳида яшаш. Турмуш ўртоғингизнинг тўлиқ исми ва фамилияси, туғилган санаси, жинси, туғилган жойи ва туғилган мамлакатини киритинг ҳамда турмуш ўртоғингизнинг фотосурати ҳам ўзингиз учун киритишингиз керак бўлган фотосурат каби бир хил техник талабларга мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиб топширинг.

Талабларга мувофиқ турмуш ўртоғингизни аризага киритмаслик ёки турмуш ўртоғи бўлмаган шахснинг маълумотларини киритишингиз сизнинг дастур асосий мурожаат этувчиси сифатида дастурдан четлатилишингизга шунингдек турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингизни ҳам четлатилишига олиб келади. Сиз турмуш ўртоғингиздан алоҳида яшаётган бўлсангиз ҳам, фақатгина сиз қонуний расмийлаштирилган ҳолда алоҳида яшаётган бўлмасангиз, турмуш ўртоғингизни аризангизда кўрсатишингиз шарт. **Қонуний алоҳида яшаш** бу суд қарорига асосан эр-хотин никоҳда қолиши, лекин алоҳида яшашини белгиловчи битимдир. Агар сиз турмуш ўртоғингиз билан **қонуний алоҳида яшаётган** бўлсангиз, сизнинг турмуш ўртоғингиз сиз билан DV дастури орқали кўчиб кета олмайди. Агар қонуний алоҳида яшаётган турмуш ўртоғингизнинг исмини аризангизда кўрсатсангиз, бунинг учун сиз жазоланмайсиз. Агар сизнинг алоҳида яшашларингиз суд буйруғига асосланган бўлмаса, у ҳолда турмуш ўртоғингизни киритишингиз шарт, ҳаттоки сиз DV визасига мурожаат этишдан аввал ажрашмоқчи бўлсангиз ҳам. Талабларга мувофиқ турмуш ўртоғингизни аризага киритмаслик дастурдан четлатилишга (дисквалификация) асосдир.

Агар турмуш ўртоғингиз АҚШ фуқароси ёки АҚШ қонуний доимий истиқомат қилувчиси бўлса, уни аризангизда кўрсатманг. Аллақачон АҚШ фуқароси ёки АҚШ қонуний доимий истиқомат қилувчиси бўлган турмуш ўртоғингизга DV визаси керак бўлмайди ва бундай виза берилмайди. Шунинг учун, агар сиз аризада “турмуш қурган ва менинг турмуш ўртоғим АҚШ фуқароси ёки АҚШ Қонуний Доимий Резиденти”ни танласангиз, турмуш ўртоғингиз ҳақидаги кейинги маълумотларни кирита олмайсиз. Оила аъзолари ҳақида кўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўринг.

15. Фарзандлар сони – Аризага барча ҳаёт бўлган, турмуш қурмаган ва 21 ёшдан кичик фарзандларингизнинг исмлари ва фамилиялари, туғилган саналари, жинслари, туғилган жойлари ва туғилган мамлакатларини киритинг. Бунда, бу фарзандлар сиз билан яшаши ёки яшамаслиги, АҚШга иммиграция қилсангиз бирга бориши ёки бормаслиги ёки кетганингиздан сўнг сиз билан АҚШда бирлашиш истаги бор ёки йўқлиги эътиборга олинмайди. Ҳар бир фарзандингиз учун ўзингизнинг фотосуратингиз каби бир хил техник

талабларга мувофиқ шахсий фотосуратлар топширинг.

Қуйидагиларни албатта киритинг:

- Барча ҳаёт бўлган туғишган фарзандларингизни;
- Барча ҳаёт бўлган, сиз қонуний равишда асраб олган фарзандларингизни;
- Барча ҳаёт бўлган ўғай фарзандларингизни, агар улар турмуш қурмаган ва электрон аризангизни топшираётган кун ҳолатига 21 ёшдан ошмаган бўлсалар. Бу фарзандларни ҳатто уларнинг ота/онаси билан қонуний никоҳда бўлмасангиз ҳам ва ҳатто бу фарзанд ҳозирги вақтда сиз билан бирга яшамаса ҳам ва/ёки бу фарзанд сиз билан биргаликда иммиграция қилмаса ҳам киритиш шарт.

Турмуш қурган ва ариза топшириладиган кун ҳолатига 21 ёшдан ошган фарзандлар DV дастурида қатнашиши мумкин эмас. Бирок, Болалар Мақомини Ҳимоялаш Акти баъзи ҳолларда болаларни “ёши ўтиб кетишидан” ҳимоялайди. Агар DV дастурига аризани турмуш қурмаган фарзандингиз 21 ёшга тўлишидан аввал киритган бўлсангиз, ва фарзандингиз виза берилишидан аввал 21 ёшга тўлса, унга нисбатан виза жараёнлари мақсадида 21 га тўлмаган шахс сифатида муносабат кўрсатилиши мумкин.

Аллақачон АҚШ фуқароси ёки қонуний доимий резиденти бўлган фарзандингизга DV визаси керак бўлмайди ва бундай виза берилмайди; бундай оила аъзоларингизни аризангизга киритишингиз ёки киритмаслигингиздан қатъий назар, сизга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмайди.

Талабларга жавоб берувчи барча фарзандларни аризада кўрсатмаслик ёки фарзандингиз бўлмаган шахсни аризангизга киритиш сизни дастурдан четлатилишингизга шунингдек турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингизни ҳам четлатилишига олиб келади. Оила аъзолари ҳақида қўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўринг.

DV-2022 дастурига электрон аризани тўлдириб топшириш ҳақида қўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўринг.

## **Иштирокчиларнинг сараланиши**

Давлат Департаменти шахсларни, ҳар бир минтақа ва давлатга тақсимланган визалар мавжудлиги асосида, барча мувофиқ аризалар орасидан компьютер томонидан амалга ошириладиган тасодифий танлов орқали саралайди. DV-2022 дастурининг барча иштирокчилари E-DVнинг Интернет саҳифасига кириб, DV-2022га электрон ариза топшириш вақтида сақлаб қўйган махсус хусусий тасдиқлов рақамларидан фойдаланиб, Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали ўз аризаларининг DV дастури учун сараланганини аниқлашлари мумкин. E-DVнинг [dvprogram.state.gov](http://dvprogram.state.gov) Интернет саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш (Entrant Status Check) функцияси 2020 йил, 8- майдан бошлаб 2022 йил, 30- сентябрга қадар мавжуд бўлади.

Агар аризангиз сараланган бўлса, сиз қўшимча кўрсатмалар ҳамда АҚШга иммиграцияга боғлиқ тўловлар ҳақидаги маълумот жойлашган тасдиқлов саҳифасига йўналтириласиз. Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) Давлат Департаменти DV-2022да сараланган иштирокчиларининг дастурда қолиб бўлганларини хабар қилишининг ЯГОНА йўли бўлади. Давлат Департаменти қолибларга хабарномаларни почта орқали жўнатмайди ёки

сараланганларни электрон почта орқали хабардор қилмайди. АҚШ элчихоналари ва консулликлари сараланганлар рўйхатини тақдим этмайдилар. Аризалари сараланмаган шахслар ҳам ФАҚАТ Интернетда Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (*Entrant Status Check*) орқали хабардор этиладилар. Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (*Entrant Status Check*)га ўзингиз шахсан киришингизни қатъиян маслаҳат берамиз. Аризангизни текширишни ва сизни хабардор қилишни бировга ишониб топширманг.

АҚШга иммиграция қилиш учун, DV (турли миллатга мансуб иммигрантлар визалари дастури) ғолиблари АҚШ Иммиграция Қонунчилигига мувофиқ барча виза олиш талабларига жавоб беришлари шарт. Электрон равишда тўлдирилган Онлайн Иммиграцион Виза ва Мурожаатчини Рўйхатга Олиш Анкетаси – DS-260да электрон равишда ва консуллик ходими суҳбат пайтида шахсан АҚШ Қонунчилигига асосан Сизнинг АҚШ иммиграцион визасини олиш талабларига жавоб беришингиз бўйича саволлар сўрайди. Бу саволларга жинойий ва хавфсизликка оид мавзулар киради.

Барча сараланганларга ва уларнинг оила аъзоларига визалар 2022 йил 30 сентябрга қадар берилиши шарт. Давлат Департаменти мазкур кундан сўнг ҳеч қандай ҳолатда турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар бермайди ёки АҚШ Иммиграция ва Фуқаролик Хизмати (USCIS) мақом ўзгартиришларини маъқулламайди; шу билан бирга, мазкур санадан сўнг оила аъзолари ҳам ўзлари рўйхатдан ўтган аризадаги асосий иштирокчига АҚШда қўшилиш учун турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визаларни ололмайдилар.

Иштирокчиларни саралаш жараёни ҳақида қўшимча маълумот учун [Кўп Сўраладиган Саволларни](#) кўринг.

## Рақамли фотосурат (тасвир) топшириш

Сиз янги рақамли фотосурат олишингиз ёки охириги олти ой ичида олинган тайёр чоп этилган фотосуратни рақамли сканерден ўтказишингиз мумкин. Бунда суратингиз қуйида келтирилган тузилиш ва техник хусусиятларга мувофиқ бўлиши лозим. DV дастури учун фотосуратларга қўйиладиган талаблар АҚШ виза фотосуратларига тегишли сифат ва тузилиш талаблари билан бир хил. Талабларга жавоб берувчи фотосуратлар билан [мазкур саҳифада](#) танишишингиз мумкин. Олти ойдан кўп муддат аввал олинган ёки қуйида келтирилган барча талабларга жавоб бермайдиган фотосуратларни топширманг. Ўтган йилги дастурга топширилган, ўзгартирилган ёки қуйида келтирилган талабларга мувофиқ бўлмаган суратларни топшириш дастурдан четлатилишга олиб келади.

### Фотосуратларга талаблар:

- Рангли
- Равшан (фокусда)
- Бош (бошнинг соч тепасидан, ияк учигача бўлган қисми ўлчанади) 22мм дан 35 ммгача (1 дюйм ва 1 3/8 дюймгача) ўлчамда бўлиши ёки тасвирнинг жами узунлигининг 50 фоизидан 69 фоизигача бўлган қисмини қоплаши керак. Ўлчам талабларини батафсил [Фотосурат Тузилиш Шаблони](#) саҳифасида кўриб чиқинг.
- Жорий ташқи кўринишингизни тасвирлаш учун сўнги олти ой ичида олинган.
- Оқ ёки оқ рангга яқин бир хил рангдаги фонда туширилган
- Суратга олинган шахс тўғри фотоаппаратга юзланиб туриши лозим
- Юз ифодаси нейтрал ва иккала кўз очик ҳолда бўлиши керак
- Кундалик ҳаётда кийиб юрадиган кийимингизда туширилган
- Суратга униформа кийиб тушиш мумкин эмас, кундалик кийиб юриладиган диний кийимлар

бундан мустасно

- Соч ва соч чегараларини тўсиб турувчи рўмол ёки бош кийимда суратга тушманг, агар бундай бош кийим диний эътиқодга боғлиқ бўлмаса. Юзингиз бутунлай кўриниб туриши шарт ва бош кийим юзга соя ташламаслиги керак.
- Фотосуратда кулоққа тақилувчи мусиқа эшитиш, телефонда сўзлашиш ёки шуларга ўхшаш бошқа воситаларга рухсат этилмайди.
- Кўзойнак тақиб суратга тушманг.
- Агар одатда эшитиш аппарати ёки шу каби буюмлар тақсангиз, фотосуратда уларни тақиб мумкин.

Талабларга жавоб берадиган ва жавоб бермайдиган фотосуратлар намуналарини кўриш учун [Фотосурат Намуналарини](#) кўздан кечиринг. Хайдовчилик гувоҳномалари ва бошқа расмий ҳужжатлардан нусхаси олинган ёки сканердан ўтказилган фотосуратлар қабул қилинмайди. Шунингдек, норасмий фотосуратлар (айнан ҳужжатлар учун туширилмаган), журнал фотосуратлари, фотобудкаларда туширилган ёки телефонда туширилган сифати паст фотосуратлар ҳамда бутун бўйли фотосуратлар ҳам қабул қилинмайди.

Аризангизга рақамли тасвирингизни юклашингиз шарт. Рақамли тасвирингизга талаблар:

- Сурат JPEG форматида бўлиши зарур.
- Суратнинг файл ҳажми 240 (икки юз қирқ) килобайтдан (240кВ) ошмаслиги зарур.
- Сурат квадрат мутаносибликда (эни ва баландлиги тенг) бўлиши шарт.
- Ўлчамлари 600 x 600 пиксель ўлчамда бўлиши керак.

Тайёр фотосуратни сканердан ўтказмоқчимисиз? Рақамли тасвирларга талабларга қўшимча равишда, тайёр суратингиз яна қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- 51мм x 51 мм ўлчамда (2 дюйм x 2 дюйм)
- бир дюймга камида 300 пиксель равшанликда (бир миллиметрга 12 пиксель) сканердан ўтказилган.

Давлат Департаментининг [бефул фотосурат асбобини](#) қўллаб:

- компьютерингизда сақланган фотосуратни танланг
- керак бўлса, сурат ўлчамини ёки ҳолатини ўзгартиринг
- суратни аниқ 600 x 600 пиксель ўлчамида кесинг

## Гўдаклар ёки ёш болаларнинг суратини олиш

Гўдак ёки ёш болангизнинг суратини олаётганда суратда бошқа бирор шахс тушиб қолмаслиги керак. Бола очик кўзлари билан фотоаппаратга қараб туриши керак.

**1-маслаҳат:** Гўдакни оқ ёки оққа яқин бир хил рангли чойшабга орқаси билан ётқизинг. Шунда боланинг боши тиралиб туради ва бир хил рангли фон таъминланади. Боланинг юзида соялар йўқлигига ишонч ҳосил қилинг, айниқса суратни тепасидан тушираётган бўлсангиз.

**2-маслаҳат:** Болалар учун махсус автомобиль ўриндиғини оқ ёки оққа яқин бир хил рангли чойшаб билан қопланг ва болангизнинг суратини шу ўриндиқда олинг. Бунда ҳам боланинг боши тиралиб турган бўлади.



# КЎП СЎРАЛАДИГАН САВОЛЛАР

## ТАЛАБЛАР

### 1. “Мувофиқлик”, “худудида туғилган” ва “тегишлилик” иборалари нимани англатади?

Худудида туғилган шахс ибораси кимнингдир бирор давлатда туғилганини англатади ва бунда мазкур шахснинг ҳозир яшаётган давлати ва фуқаролигининг аҳамияти йўқ. Иммиграция ва фуқаролик ҳақида Қонуннинг 202(б) бўлимига кўра худудида туғилган шахс атамаси, шунингдек, маълум бир шахс туғилган давлатдан ташқари у тегишли бўлган давлатни ҳам назарда тутиши мумкин.

Муайян мамлакат ёки жўғрофий худуддан кираётган иммигрантлар сонига миқдорий чекловлар ўрнатилгани учун ҳар бир шахс маълум мамлакатга тегишли деб белгиланади. Сизнинг тегишлилигингиз қайси бир давлатнинг миқдорий чекловига нисбатан саналишингизга тааллуқли бўлади. Одатда, сизнинг дастурга мувофиқ давлатингиз сизнинг туғилган давлатингиз билан бир хил бўлади. Бироқ, сиз ўзингизнинг дастурга мувофиқ давлатингиз сифатида турмуш ўртоғингизнинг туғилган давлатини ёки ота-онангиздан бирининг туғилган давлатини (агар сиз улар туғилмаган давлатда туғилган бўлсангиз ва улар сиз туғилган вақтда ўша давлатда доимий истиқомат қилмаган бўлсалар) ҳам танлашингиз мумкин. Булар сизнинг қайси давлатга тегишлиликни танлашингизнинг ягона учта йўлидир.

Мувофиқ давлатда туғилганлик ёки тегишлиликни нотўғри кўрсатиш (асосли равишда даввони исботлай олмаслик) аризанинг дастурдан четлатилишига олиб келиши мумкин.

### 2. Мувофиқ давлатда туғилмаган бўлсам ҳам иштирок этишим мумкинми?

Бунинг учун икки ҳолатдагина сиз дастурга ариза бериш талабларига мос бўлишингиз мумкин. Биринчиси, агар турмуш ўртоғингиз мувофиқ давлатда туғилган бўлса, сиз турмуш ўртоғингиз туғилган давлатга тегишлиликни даъво қилишингиз мумкин. Сизнинг мувофиқлигингиз турмуш ўртоғингизга боғлиқ бўлганлиги сабабли, сизнинг турмуш ўртоғингиз виза талабларига жавоб бериб, бу визани олишга муваффақ бўлмагунга қадар, сиз иммиграцион визасини олмайсиз. Сиз DV визаларингиздан фойдаланиб, Америка Қўшма Штатларига турмуш ўртоғингиз билан бирга киришингиз керак бўлади. Шу тарзда балоғатга етмаган фарзандингиз ҳам ота-онасининг туғилган давлатига “тегишлилик”ни даъво қилиши мумкин.

Иккинчи ҳолат, фақат ота-онангизнинг бирортаси ҳам туғилишингиз пайтида номувофиқ давлатда қонуний истиқомат қилувчи мақомида бўлмаганлиги шарти билан, сиз ота-онангиздан бирининг туғилган давлатига “тегишли” бўлишингиз мумкин. Умуман, агар одамлар маълум давлатда туғилмаган ёки қонуний фуқаро бўлмай туриб бу давлатга шунчаки келган, вақтинчалик ўқиш учун ёки сиз туғилган давлатдан фарқли бошқа мамлакатга тегишли ташкилот ёки ҳукумат номидан бу давлатда мутахассислик ёки бизнес сабаблари туфайли яшаб турган бўлса, улар давлатнинг қонуний истиқомат қилувчиси ҳисобланмайди.

Агар сиз бошқа давлатга тегишлиликка даъво қилсангиз, сиз мазкур маълумотни E-DV аризасининг б-саволида кўрсатиб ўтишингиз даркор.

Мувофиқ давлатда туғилганлик ёки тегишлиликни нотўғри кўрсатиш (асосли равишда даввони исботлай олмаслик) аризанинг дастурдан четлатилишига олиб келиши мумкин.

### **3. Нега баъзи давлатларда туғилган шахслар турли миллатларга мансуб иммигрантлар визалари дастурида қатнаша олмайди?**

Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар (DV) “кўп сонли иммигрантлар жўнатувчи» мамлакатлардан бўлмаган шахсларга иммиграция имкониятини беришга қаратилган. АҚШ қонунларида белгиланишича, “кўп сонли иммигрантлар жўнатувчи» давлатлар сирасига худудидан оилавий ва меҳнат виза тоифаларида АҚШга сўнгги беш йил давомида жами 50000 та одам кўчиб келган мамлакатлар киради. Ҳар йили, АҚШ Фуқаролик ва Иммиграция Хизмати (USCIS) худудидан туғилган шахслар турли миллатларга мансуб иммигрантлар виза дастури (DV) учун номувофик давлатларни аниқлаш мақсадида сўнгги беш йил ичидаги оилавий ва меҳнат иммигрантлари ва мақомини ўзгартириш ҳолатлари сонини қўшиб, ҳисоблаб чиқади. Бундай ҳисоб-китоб ҳар йили амалга оширилгани сабабли худудидан туғилган шахслар мувофик бўлмаган давлатлар рўйхати йилдан-йилга ўзгариб туриши мумкин.

### **4. Ҳар бир мувофик давлат ва минтақада туғилган шахсларга DV-2022 визалари қандай миқдорда тақсимланади?**

Имиграция ва Фуқаролик Активнинг (INA) 203(с)-бўлимида белгиланган формуладан фойдаланиб, АҚШ Фуқаролик ва Иммиграция Хизматлари (USCIS) ҳар йил учун DVнинг минтақавий чекловларини аниқлайди. Оқибатда ҳар бир давлатда туғилган шахсларга Давлат Департаменти берадиган визалар сони минтақавий чекловлар ҳар бир давлатдан топширилган аризалар сони ва сараланганлар орасида нечтаси виза олиш талабларига жавоб беришига боғлиқ бўлади. Ҳеч бир давлатда туғилган шахсларга дастурда мавжуд визаларнинг етти фоизидан ортиғи берилмайди.

### **5. Таълим ва иш тажрибасига талаблар қандай?**

АҚШ Иммиграция қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари талабларига кўра ҳар бир DV иштирокчиси энг камида ўрта ёки унга тенглаштирилган таълимга, ёки сўнгги беш йилда икки йиллик малака ёки таълим талаб қилувчи ишда икки йиллик тажрибага эга бўлиши керак. “Ўрта ёки унга тенглаштирилган таълим” тушунчаси Америка Қўшма Штатларида бошланғич ва ўрта таълимдан иборат ўн икки йиллик ўқишни муваффақиятли ниҳоялаш ЁКИ бошқа давлатда Қўшма Штатлардаги ўрта таълимга тенг расмий бошланғич ва ўрта таълимни муваффақиятли тамомлашни билдиради. Фақат расмий таълим йўналишлари шу талабга жавоб беради; сиртқи таълим ёки тенглаштирилган таълим гувоҳномалари (экстернат таълим шаҳодатномаси) қабул қилинмайди. Таълим ёки иш тажрибасининг ҳужжатлаштирилган далили виза учун суҳбат вақтида консуллик бўлими ходимига кўрсатилиши шарт.

Агар сиз таълим ёки иш тажрибаси талабларига жавоб бермасангиз, сизнинг аризангизга рад жавоби берилади ва сизга ёки ҳеч бир оила аъзоларингизга визалар берилмайди.

### **6. Қайси касблар турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурига мос келади?**

Давлат Департаменти меҳнат малакасининг мувофиқлигини аниқлаш учун АҚШ Меҳнат Департаментининг (МД) [O\\*Net OnLine](#) маълумотлар базасидан фойдаланади. Меҳнат Департаментининг (МД) [O\\*Net Online Database](#) маълумотлар базасидаги меҳнат малакаси гуруҳлари бешта “иш соҳаларига” бўлинади. МД веб саҳифасида кўплаб касблар санаб ўтилганига қарамасдан, уларнинг барчаси ҳам турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастури талабларини қондирмайди. Меҳнат малакангизга асосланиб, турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визага мувофиқ бўлиш учун сиз сўнгги беш йил ичида Махсус Касбий

Тайёргарлик (SVP) доирасида 7.0 ёки ундан юкори гуруҳга киритилган ишда икки йиллик малакага эга бўлишингиз керак.

Агар сиз таълим ёки иш тажрибаси талабларига жавоб бермасангиз, сизнинг аризангизга рад жавоби берилади ва сизга ёки ҳеч бир оила аъзоларингизга визалар берилмайди.

## **7. Меҳнат Департаментининг веб-сайтидаги [O\\*Net Online Database](#) маълумотлар базасидан мувофиқ касбларни қандай қилиб топаман?**

[O\\*Net Online Database](#) маълумотлар базасига кирганингиздан сўнг касбингизнинг мувофиқлигини билиш учун қуйидаги тартибда иш тутинг:

1. “Find Occupations” (Касбларни топиш) га кириб, у ерда махсус бўлим “Job Family” (касбий соҳа) ни танланг;
2. “Job Family” рўйхатини кўздан кечириб, керакли тоифани танлаб, “GO”ни (Қидирув) босинг;
3. Сўнгра, айнан сизнинг касбингизга тегишли манзилни танланг.
4. Job Zone (Иш соҳаси) бўлинмасини танлаб, у ердан Иш соҳаси рақами ва Махсус Касбий Тайёргарлик (SVP)даги рейтинг баҳоланишини топинг.

Мисол учун, «Aerospace Engineering» (Аэрофазо муҳандислиги) ни танланг. Аэрофазо Муҳандислари учун Умумий Ҳисоботнинг остида, Иш соҳаси бўлимида сиз Иш Соҳасининг рақами 4 ва Махсус Касбий Тайёргарлик (SVP)даги рейтинг 7,0 дан <8.0 гача эканлигини кўрасиз. Ушбу мисолга қарасак, Аэрофазо Муҳандислиги дастур талабларига мувофиқ иш соҳаси ҳисобланади.

Қўшимча маълумотлар учун [Турли Миллат Вакиллари учун Иммиграцион Визалар Лотереяси – Касблар Рўйхатини](#) кўринг.

## **8. E-DV дастурида иштирок этувчилар учун энг кам ёш чегараси борми?**

Дастурда иштирок этиш учун энг кам ёш чегара талаби йўқ, бироқ ҳар бир иштирокчи учун ариза қабул қилиш вақтида қўйилган ўрта таълим ёки иш малакасига эга бўлиш талаби 18 ёшдан кичик бўлган аксарият шахсларни самарали четлатади.

## ***DV ДАСТУРИ УЧУН ЭЛЕКТРОН АРИЗАНИ ТЎЛДИРИШ***

### **9. Аризамни қачон топширсам бўлади?**

DV-2022 аризаларини қабул қилиш Шарқий Ёзги Вақт (EDT) (GMT-4 ) билан 2020 йил 7 октябрь, чоршанба куни соат 12:00 дан бошлаб, Шарқий Стандарт Вақт (EST) (GMT-5) бўйича 2020 йил, 10 ноябрь, сешанба кунигача бўлган рўйхатга олиш даврида амалга оширилади. Ҳар йили миллионлаб кишилар ариза топширишади. Аризалар қабул қилиш даврини шу саналарга белгилаш сараланганларни ўз вақтида огоҳлантиришни таъминлайди ҳамда визага мурожаат этувчилар ва бизнинг элчихона ва консулликларимизга виза бериш учун мурожаатларни вақтида тайёрлаш ва тугаллаш учун етарли вақтга эга бўлишларига имкон яратади.

Биз рўйхатга олиш даврида барвақт ариза топширишингизни маслаҳат берамиз. Рўйхатга олиш даврининг сўнгида ўта юкори талаб тизимни секинлатиб қўйиши мумкин. Биз 2020 йил, 10 ноябрь, сешанба куни EST бўйича 12:00 дан сўнг ҳеч қандай аризаларни қабул қилмаймиз.

## 10. Мен АҚШдаман. DV дастурига ариза топширсам бўладими?

Ҳа, аризачи АҚШ ёки бошқа давлатдан туриб ариза топшириш мумкин. Ариза исталган жойдан топширилиши мумкин.

## 11. Рўйхатга олиш даврида фақат бир марта ариза топширишим мумкинми?

Ҳа, қонун бўйича ҳар рўйхатга олиш даврида бир шахс учун фақат битта аризага рухсат берилган. Давлат Департаменти бирдан ортиқ аризалар топширган шахсларни аниқлаш учун мураккаб технологияларни қўллайди. **Биттадан ортиқ ариза топширганлар дастурдан четлатиладилар (дисквалификация).**

## 12. Нима сабабдан DV дастурида қатнашишим учун паспортим бўлиши шарт? Истиснолар борми?

Амал қилиб турган ва муддати ўтмаган паспортни талаб қилиш DV дастури жараёни ва сизнинг муружаатингиз хавфсизлигини оширади. Бу қоида асосий ариза берувчининг турмуш ўртоғи ёки болаларига тааллуқли эмас. Паспорт халқаро сафарлар учун яроқли бўлиши шарт. Баъзи мамлакатлар томонидан бериладиган ва фақатгина мамлакат ичида қўллашга мўлжалланган паспортлар бу талабга жавоб бермайди.

Паспорт талабидан истиснолар: АҚШ Давлат Департаментининг қоидалари паспорт талабидан уҳта чекланган истисноларни тақдим этади. Ушбу истиснолар қуйидагилар учун: фуқаролиги йўқ шахслар, коммунистик тузумли мамлакатда яшаб туриб ушбу коммунистик тузумли мамлакатдан халқаро сафарлар учун яроқли паспорт ола олмайдиган шахслар ва Давлат Хавфсизлик Котиби ёхуд Давлат Котибидан шахсий истисно учун рухсатномага эга бўлган шахслар. Агар сиз DV аризангизда ушбу истиснолардан бирини танлаган бўлсангиз, сиз танлаган истиснога қандай жавоб берганингизни тушунтиришингиз керак бўлади. Истиснолар фақатгина паспорт ола олмайдиган шахсларга нисбатан қўлланилади. Агар сиз паспорт олишнинг кечикиши сабабли истиснони танлаган бўлсангиз, ушбу кечикиш сизнинг назоратингизда бўладими ёки йўқми, сиз ушбу имтиёзга эга бўлмайсиз ва DV визасига ҳам номувофиқ бўласиз.

Фуқаролиги йўқ шахслар: Умуман олганда, фуқароликнинг йўқлиги жуда кам учрайдиган ҳолат. Агар сиз DV аризангизда ушбу истиснога мос келадиган катакчани белгиласангиз, сиз туғилган мамлакатнинг фуқаролигини ўша мамлакат қонунларига биноан олмаганлигингиз ва бошқа фуқаролигингиз йўқлигини тасдиқловчи далилларни тақдим этишингиз керак бўлади.

Коммунистик тузумли мамлакат фуқаролари: Агар сиз DV аризангизда ушбу истиснога мос келадиган катакчани белгиласангиз, сиз ўзингизнинг ҳукуматингиздан паспорт ололмаглигингизни тасдиқловчи далилларни тақдим этишингиз керак.

Шахсий имтиёзга эга бўлган шахслар: Агар сиз DV аризангизда ушбу истиснога мос келадиган катакчани белгиласангиз, сиздан паспорт ололмаглигингиз тўғрисида далил ва шахсий имтиёзни олганингиз сабабларини тақдим этишингиз талаб қилинади, масалан:

- 1) Сиз паспорт ололмаганиз учун сизга аввалги АҚШ визаси DS-232 формасида берилган ва илгари паспорт истисносини олишда қўлланилган сабаблар ҳанузгача амал қилади;
- 2) Сиз паспорт ололмаганиз учун USCIS томонидан маъқулланган I-193 формаси мавжуд ва илгари паспорт истисносини олишда қўлланилган сабаблар ҳанузгача амал қилади; ёки
- 3) Сиз ўз фуқаролик давлатингиздан бошқа давлатда қочоқ мақомини олганингизни

кўрсатадиган ҳужжатлар мавжуд, чунки сиз ўз давлатингиз ҳукумати томонидан таъқибга учраганингиз сабабли, ушбу ҳукуматдан қўшимча зарар кўрмасдан паспорт олишингиз имконсиздир.

Агар сиз юқорида таъкидланган таълим ёки иш тажрибаси талабларига жавоб бермасангиз ёки ариза киритиш пайтида амал қилувчи паспортингиз бўлмаса, DV аризасини топширмасликни ўйлаб кўришингиз керак. Агар сиз виза олишга номувофиқ деб топилсангиз, виза мурожаати учун тўлаган ҳар қандай тўловларингиз қайтариб берилмайди.

### **13. Визага мурожаат этишдан аввал паспортининг амал қилиш муддати тугаса ёки уни йўқотиб қўйсамчи?**

Агар сизнинг паспорт рақамингиз бирор сабабга кўра ўзгарса, бунинг сабабини тушунтирувчи далилларни АҚШ Давлат Департаментининг Кентукки Консуллик Марказига (ККМ) DV дастури бўйича суҳбат кунингиз белгиланишидан аввал тақдим этишингиз керак бўлади. Агар сиз қалбаки, нотўғри ёки талабга жавоб бермайдиган паспорт рақамини DV аризангизга киритган бўлсангиз сиз дастурдан четлатиласиз. Маслаҳатимиз: DV дастурига аризангизда қўллаган паспортингиздан тиниқ ва сифатли нусха олиб, ушбу нусхани ариза тасдиқлов рақамингиз (Кўп сўраладиган саволлардаги 27-савол) билан биргаликда тайинли, хавфсиз жойда сақланг. Фотонусханинг ўзи талабларни қондирувчи паспорт маълумотини киритганингизни исботлай олмайди, лекин сизга ҳолатни тушунтириб беришингизга ёрдам бериши мумкин. Якуний қарорни сиз билан DV мурожаатингиз бўйича суҳбат ўтказадиган консул қабул қилади.

### **14. Мен ва турмуш ўртоғим ҳар биримиз алоҳида ариза топширишимиз мумкинми?**

Ҳа, агар эр билан хотиннинг ҳар бири мувофиқлик талабларини қондира олса, алоҳида ариза топширишлари мумкин. Агар бири танланса, иккинчиси яқин қариндош сифатида мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлади.

### **15. DV аризамга оила аъзоларининг қайсиларини киритишим шарт?**

**Турмуш ўртоғингиз:** Агар қонуний никоҳда бўлсангиз, турмуш ўртоғингизни бирга яшаш ёки яшамаслигингиздан ёки унинг сиз билан АҚШга иммиграция қилиш нияти бор ёки йўқлигидан қатъий назар, аризангизга киритишингиз шарт. Сиз турмуш ўртоғингиздан алоҳида яшаётган бўлсангиз ҳам, фақатгина сиз қонуний расмийлаштирилган ҳолда алоҳида яшаётган бўлмасангиз, турмуш ўртоғингизни аризангизда кўрсатишингиз шарт. Қонуний алоҳида яшаш бу суд қарорига асосан эр-хотин никоҳда қолиши лекин алоҳида яшашини белгиловчи битимдир. Агар сиз турмуш ўртоғингиз билан қонуний алоҳида яшаётган бўлсангиз, сизнинг турмуш ўртоғингиз сиз билан DV дастури орқали кўчиб кета олмайди. Агар қонуний алоҳида яшаётган турмуш ўртоғингизнинг исмини аризангизда кўрсатсангиз ҳам бунинг учун сиз жазоланмайсиз. Агар сизнинг алоҳида яшашларингиз суд буйруғига асосланган бўлмаса, у ҳолда турмуш ўртоғингизни киритишингиз шарт, ҳаттоки сиз DV визасига мурожаат этишдан аввал ажрашмоқчи бўлсангиз ҳам. Талабларга мувофиқ турмуш ўртоғингизни аризага киритмаслик ёки қонуний турмуш ўртоғингиз бўлмаган шахснинг маълумотларини киритиш дастурдан четлатилишга (дисквалификация) асосдир. Агар ариза топшираётган вақтингизда қонуний никоҳдан ўтмаган бўлсангиз, лекин келажакда никоҳингизни рўйхатдан ўтказишни режалаштираётган бўлсангиз, аризангизда турмуш ўртоқ ҳақида маълумотлар киритманг, чунки бу дастурдан четлатилишингизга (дисквалификацияга) олиб келади. Агар қонуний ажрашган бўлсангиз ёки турмуш ўртоғингиз вафот этган бўлса, собиқ турмуш ўртоғингизнинг исмини аризангизга киритишингиз шарт эмас.

Бу талабдан ягона истисно сизнинг турмуш ўртоғингиз аллақачон АҚШ фуқароси ёки АҚШ қонуний доимий истиқомат қилувчиси эканлиги. Агар турмуш ўртоғингиз АҚШ фуқароси ёки АҚШ қонуний доимий истиқомат қилувчиси бўлса, уни аризангизда кўрсатманг. Аллақачон АҚШ фуқароси ёки АҚШ қонуний доимий истиқомат қилувчиси бўлган турмуш ўртоғингизга DV визаси керак бўлмайди ва бундай виза берилмайди. Шунинг учун, агар сиз аризада “турмуш қурганман ва менинг турмуш ўртоғим АҚШ фуқароси ёки АҚШ Қонуний Доимий Резиденти”ни танласангиз, турмуш ўртоғингиз ҳақидаги кейинги маълумотларни кирита олмайсиз.

**Фарзандлар:** Сиз БАРЧА ҳаёт бўлган, аризангизни топшириш вақтида 21 ёшга етмаган ва турмуш қурмаган фарзандларингизни, шу жумладан сизнинг туғишган фарзандларингиз, ўғай фарзандларингиз (ҳатто шу фарзанднинг отаси ёки онасидан ажрашган бўлсангиз ҳам), турмуш ўртоғингизнинг фарзандларини ва тегишли қонунлар асосида асраб олган фарзандларингизни аризангизга киритишингиз шарт. Ҳатто DV аризасини тўлдираётган вақтингизда 21 ёшдан кичик бўлган болаларингиз сиз билан бирга яшамаса ёки уларнинг DV дастури бўйича иммиграция қилишини кўзламасангиз ҳам уларни аризага киритинг. Сиздан аллақачон АҚШ фуқароси ёки Қонуний Доимий Резиденти бўлган фарзандларни киритиш талаб қилинмайди, гарчи уларни аризага киритганингиз учун сизга нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмаса ҳам.

Ариза берувчининг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари оила аъзолари сифатида DV визаларини ола олмайдилар. Шу сабабли бу оила аъзоларингизни аризага киритманг.

Аризангизга оила аъзоларингизни киритсангиз, улар визага мурожаат этишлари, сиз билан иммиграция қилишлари ёки бирга сафар қилишлари мажбурий эмас. Бирок, агар сиз қарамоғингиздаги дастур талабларига мувофиқ бўлган оила аъзоингизни дастлабки аризангизга киритмасангиз, сизни дастурдан четлатилишингизга шунингдек турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингизни ҳам четлатилишига олиб келади. Бу ҳолат фақат дастлабки ариза топширилган вақтдаги оила аъзоларига тегишли бўлиб, кейин қўшилганларга тааллуқли эмасдир. Сизнинг турмуш ўртоғингиз сизнинг аризангизга киритилганига қарамасдан алоҳида аризасини топшириши мумкин ва шу билан бирга иккала ариза ҳам оилангиз қарамоғидаги барча оила аъзолар ҳақида маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак. Юқоридаги [14-саволга](#) га қаранг.

## **16. Аризамни шахсан ўзим топширишим шартми ёки бирор киши менинг ўрнимдан топшириб бериши мумкинми?**

Сизни аризангизни ўзингиз тайёрлаб топширишга ундаймиз, лекин бирор бошқа киши аризани сизнинг номингиздан киритиши мумкин. Аризани шахсан ўзингиз топширсангиз ҳам, ёки юрист, дўст, қариндош ва бошқалар номингиздан топширса ҳам, бир шахс номидан фақатгина битта ариза топширилиши мумкин. Сиз, яъни мурожаат этувчи, аризангиздаги маълумотнинг тўғри ва тўлиқлигига жавобгарсиз; нотўғри ва тўлиқ тўлдирилмаган аризалар дастурдан четлатилиши мумкин. Мурожаат этувчилар ўзларининг тасдиқлов рақамларини ўзларида олиб қолишлари керак, чунки унинг ёрдамида ўзлари мустақил равишда ўз аризаларининг мақомларини [dvprogram.state.gov](http://dvprogram.state.gov) саҳифасида Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали текшира оладилар. Мурожаатчилар E-DVда кўрсатган электрон почтага кириш ҳуқуқларини сақлаб қўйишлари керак.

## **17. Мен аллақачон бошқа тоифадаги иммиграцион виза учун рўйхатга олинганман. Шунга қарамасдан DV дастурида иштирок этишим мумкинми?**

Ҳа.

**18. E-DV аризасини Интернетдан компьютерга кўчириб олиб, матн таҳрирчи дастурда сақлаб, кейинроқ тугатишим мумкинми?**

Йўқ, сиз ариза формасини бошқа дастурда сақлаб қўйиб, кейин тўлдириб, топширишингизнинг имкони йўқ. E-DV ариза формаси веб шаклида холос. Маълумотлар он-лайн режимида киритилиши ва топширилиши талаб қилинади.

**19. E-DV аризасини Интернетда онлайн режимида сақлаб қўйиб, кейинроқ тугатишим мумкинми?**

Йўқ. E-DV ариза формаси бир вақтда тўлдирилиб, топшириладиган қилиб яратилган. Ариза шаклини юклаб олган вақтингиздан бошлаб, уни тўлдириб E-DV Интернет саҳифаси орқали топширишингиз учун олтмиш (60) дақиқа вақт берилади. Агар сиз олтмиш дақиқали чекланган вақт давомида тўлиқ аризангизни топширишга улгурмасангиз, барча аллақачон киритилган маълумотларингиз ўчириб ташланади. Тизим тўлиқ бўлмаган барча аризаларни ўчиришининг сабаби – бундай аризалар кейинчалик топширилган тўлиқ аризаларнинг такрорий нусхаси (дубликати) деб хато қилинишининг олдини олишдир. Турли Миллатларга Мансуб Иммигрантлар Визалари (DV) Дастури Йўриқномаларини аризани тўлдиришни бошлашдан аввал ўқиб чиқинг. Шунда сизга қандай маълумотлар кераклигини аниқ биласиз.

**20. Агар менда сканердан фойдаланиш имкони бўлмаса, фотосуратларимни АҚШда бирор кишига жўнатиб, сканердан ўтказдириб, сақлаб, менга юборишини сўрашим ва шу жўнатилган фотосуратларни аризамда ишлатишим мумкинми?**

Ҳа, фотосурат йўриқномадаги талабларга жавоб берса ва E-DV аризаси билан бир вақтда электрон шаклда топширилса, бунга йўл қўйилади. Сиз фотосуратни аввалдан сканердан ўтказиб қўйиб, сўнг унинг файлини он-лайн режимида анкета билан топширишингиз лозим. Фотосуратни он-лайн аризадан алоҳида топшириш мумкин эмас. Бутун ариза (фотосурат ва ариза биргаликда) АҚШ ёки хориждан электрон тарзда топширилиши мумкин.

**21. Агар менинг E-DV аризамни тизим рад этса мен аризамни қайта топширсам бўладими?**

Ҳа, аризангиз 2020 йил 10 ноябрь, сешанба куни Шарқий Стандарт Вақт (GMT-5) бўйича 12:00 гача тўлдирилиб топширилса бўлгани. E-DV тизими биринчи аризангизни рад этса, қайта ариза топширганингиз учун сизга нисбатан жазо чораси кўрилмайди. Интернетнинг ҳаракатларини олдиндан айтиш мураккаблиги туфайли, рад этилганлик ҳақидаги хабарни дарҳол олмаслигингиз мумкин. Сиз токи тўлиқ ариза қабул қилиб олиниб, тасдиқ хабари жўнатилгунга қадар, неча марта зарур бўлса, шунча марта ариза топширишга ҳаракат қилишингиз мумкин. Тасдиқлов хабарини олганингиз аризангиз топширилганидан дарак беради ва бу хабарнома олингач, аризани қайта топширишга ҳаракат ҚИЛМАНГ.

**22. Аризамни топширганимдан кейин электрон тасдиқлов хабарномасини қанчалик тез оламан?**

Тасдиқлов хабарномаси, шу жумладан, сиз ёзиб олиб, сақлаб қўйишингиз зарур бўлган тасдиқлов рақами сизга дарҳол етиб келиши керак. Аммо Интернет системаларининг фаолиятини олдиндан айтиш мураккаблиги баъзи кечикишларга сабаб бўлиши мумкин. Тўлиқ ариза қабул қилиниб, тасдиқ хабари жўнатилгунча “SUBMIT” тугмасини қайта-қайта босишингиз мумкин. Бироқ, тасдиқловчи маълумотлар саҳифаси чикқандан сўнг ўзингизнинг маълумотларингизни қайта киритманг.

### **23. Мен SUBMIT тугмасини босдим, лекин тасдиқлов рақамини олмадим. Агар мен бошқа ариза топширсам, дастурдан четлатиламанми?**

Агар сиз тасдиқлов рақамини олмаган бўлсангиз, сизнинг аризангиз рўйхатдан ўтмаган. Сиз бошқа ариза топширишингиз керак. Бу такрорий деб ҳисобланмайди. Тасдиқлов рақамини олганингиздан сўнг, маълумотларингизни қайта топширманг.

### ***ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ САРАЛАНИШИ***

### **24. Аризам сараланганини қандай билиб оламан?**

2021 йил, 8 майдан то 2022 йил, 30 сентябргача ўз тасдиқлов рақамингиздан фойдаланиб, E-DV [dvprogram.state.gov](http://dvprogram.state.gov) веб саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) га киришингиз мумкин бўлади. Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) аризангиз сараланганлиги ҳақида маълумот олиш, мурожаат қилиш жараёнидаги навбатдаги босқичлар билан танишиб чиқиш ва иммиграцион визага мурожаат этиш учун суҳбатингиз қачонлигини билишнинг ягона йўли бўлади. Барча мавжуд визаларнинг ишлатилганлигини таъминлаш учун, Давлат Департаменти 2021 йил, 8 майдан кейин қўшимча сараланганларни хабардор этиш учун Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check)дан фойдаланиши мумкин. Бирор ўзгаришлар эҳтимоли учун тасдиқлов рақамингизни 2022 йил, 30 сентябргача сақлаб қўйинг. Давлат Департаменти томонидан маъқулланган Турли Миллатларга Мансуб Иммигрантлар учун Визалар (DV) Дастурига ариза бериш ва Аризачи Мақомини Текшириш учун Интернетдаги ягона саҳифа - [dvprogram.state.gov](http://dvprogram.state.gov).

Давлат Департаменти сизнинг аризангиз сараланганини (ғолиб бўлганингизни) сизга хабар қилиш учун сиз билан БОҒЛАНМАЙДИ. (Кўп Сўраладиган Саволларда 24-саволни кўринг)

### **25. Агар сараланганлар қаторида бўлмасам, буни қандай билиб оламан? Менга хабар келадими?**

Агар сизнинг аризангиз танланмаган бўлса Давлат Департаменти сизни тўғридан тўғри хабардор ЭТМАЙДИ. Сиз сараланганлигингизни билиш учун Аризачи Мақомини Текшириш Функциясида фойдаланишингиз шарт. DV-2022га топширган аризангиз мақомини 2021 йил, 8 майдан то 2022 йил, 30 сентябргача E-DV веб саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали текширишингиз мумкин. Тасдиқлов рақамингизни камида 2022 йил, 30 сентябргача сақлаб қўйинг. (Ўтган йилги дастур – DV-2021 натижаси ҳақидаги маълумотлар 2021 йил, 30 сентябргача бўлган муддат давомида интернетда мавжуд бўлади).

### **26. Тасдиқлов рақамини йўқотиб қўйсам нима бўлади?**

Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check)га кира олишингиз учун тасдиқлов рақамингиз бўлиши шарт. Ҳозирда, E - DV саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check)да ўзингизнинг баъзи шахсий маълумотларингизни киритганингиздан сўнг аризангизда кўрсатган электрон почта манзилингизга тасдиқлов рақамини юбориш имконини берувчи функция мавжуд.

АҚШ элчихоналари ва консулликлари ҳамда Кентукки Консулик Маркази (ККМ) сизнинг мақомингизни текшириш ёки тасдиқлов рақамингизни сизга бевосита тақдим этиш (юқоридаги



Аризачи Мақомини Текшириш Функциясида мавжуд рақамни тиклаш функциясидан ташқари) имкониятларига эга эмаслар. Давлат Департаменти виза жараёнларини давом эттириш учун сараланганлар рўйхатини ТАҚДИМ ЭТА ОЛМАЙДИ.

## **27. Мен Давлат Департаментидан электрон почта ёки оддий почта орқали маълумот оламанми?**

Давлат Департаменти сизга хабарнома хати юбормайди. АҚШ ҳукумати ҳеч қачон танланган шахсларни хабардор этиш учун электрон почта орқали хабарлар жўнатмаган ва DV-2022 дастурида ҳам бу мақсадда электрон почтадан фойдаланиш режалари йўқ. Сараланган бўлсангиз, фақатгина Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси орқали хабардор этиш кўрсатмаларига жавоб берганингиздан сўнг, электрон почта орқали суҳбатингиз куни ва вақти тўғрисида хат оласиз. Бундай электрон почта хатлари Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси орқали суҳбат вақтларини билиб олишга кўрсатма беради холос ва хатнинг ўзида суҳбат белгиланган кун ва вақт ҳақида маълумот бўлмайди. Давлат Департаменти DV дастури мурожаатчиларига Аризачи Мақомини Текшириш функцияси орқали уларнинг аризаларининг мақомини текширишларини эслатиш мақсадида электрон хатлар юбориши мумкин. Бироқ, бу хатлар аризачи DV дастурда ғолиб бўлган ёки бўлмаганлигини кўрсатмайди.

Фақатгина манзили ".gov" қўшимчаси билан тугайдиган веб саҳифалар расмий АҚШ ҳукумати саҳифалари ҳисобланади. Кўплаб бошқа веб саҳифалар (масалан, манзиллари ".com" ёки ".org" ёки ".net" қўшимчалари билан тугайдиган саҳифалар) иммиграция ва визага тааллуқли ахборот такдим этишади ва хизматлар кўрсатишади. Давлат Департаменти шу бошқа вебсайтларда берилган ҳеч қандай ахборот ёки материалларни қўллаб-қувватламайди, тавсия қилмайди ёки уларга ҳомийлик кўрсатмайди.

Баъзи вебсайтлар сизни чалғитиб, ўзларига пул жўнатишга ёки шахсий маълумотларингизни такдим этишга ундаб, сизга электрон почта орқали хат юборишади. Сиздан Давлат Департаментининг [travel.state.gov](https://travel.state.gov) вебсайти ёки АҚШ элчихона ва консуллиги вебсайтларида текин берилувчи иммиграция тартиб-қоидалари ҳақида маълумот ва формалар учун тўлов ундиришга ҳаракат қилиниши мумкин. Қўшимча равишда, ташкилотлар ва вебсайтлар сиздан “Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар” дастурига боғлиқ тўловлар олиб, сизнинг пулингизни ўзлаштиришга ҳаракат қилиши мумкин. Сиз мазкур нодавлат ташкилотлари ёки вебсаҳифалардан бирортасига пулингизни жўнатсангиз, уни қайтиб кўришингиз амри маҳол. Бундан ташқари, мазкур вебсайтларга бирор шахсий маълумотингизни жўнатманг, чунки бу шахсий ахборотингиз ўғирланиши ёки шахсий маълумот ўғирлиги сингари жиноятларга олиб келиши мумкин.

Бу ёлғон электрон почта хатлари ўзини Давлат Департаментининг Кентукки Консуллик Марказига алоқадор деб кўрсатувчи шахслардан келиши мумкин. **Шуни эсда тутинки, АҚШ ҳукумати ҳеч қачон аризачиларга дастурда ғолиб бўлганликларини хабардор этиш учун электрон хатлар жўнатмаган ва DV-2022 дастурида ҳам шу мақсадда электрон хатлардан фойдаланиш режаси йўқ. Давлат Департаменти ҳеч қачон сиздан почта ёки Вестерн Юнион (Western Union) каби хизматлар орқали пул жўнатишни сўрамайди.**

## **28. DV-2022 учун неча киши саралаб олинади?**

DV-2022 учун 55000 та DV визалар ажратилган. Биринчи сараланган 55000 та шахснинг баъзилари виза талабларига жавоб бермасликлари ёки ишларини виза олиш босқичигача давом эттира олмасликлари эҳтимоли мавжудлиги туфайли ва барча DV визалари ишлатилишини таъминлаш

учун, 55000 дан ортиқ ариза саралаб олинади. Аммо, бу ҳолат дастлабки сараланганлар учун визалар етмай қолиши мумкинлигини ҳам англатади.

Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали аризангиз сараланганини аниқлашингиз ва сараланган бўлса, иштирокчилар рўйхатидаги ўз ўрнингизни билиб олишингиз мумкин. DV-2022 дастури учун суҳбатдан аввал талаб қилинадиган барча ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этган сараланганлар суҳбатлари 2021 йил октябридан бошланади. Барча талаб қилинадиган маълумотларни тақдим этган сараланган иштирокчилар хорижда жойлашган АҚШ консулликлари ходимлари билан белгиланган суҳбатларидан 4-6 ҳафта олдин E-DV Интернет саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали суҳбат вақтлари ҳақида огоҳлантириладилар.

Ҳар ой, ўша ойда виза олишга тайёр иштирокчилар учун, визалар тартиб рақами тўғри келиш шарти билан, визалар берилади. Барча 55000та DV визалари берилиб бўлингач, шу йилги дастур ниҳоясига етади. Визалар 2022 йил сентябридан олдин тарқатилиб бўлиши ҳам мумкин. Виза олишни хоҳловчи сараланганлар тез ҳаракат қилишга тайёр бўлишлари керак. **Тасодифий танлов орқали сараланиш сизга виза олишингизнинг кафолатини бермайди.** Танлов фақатгина сиз DV визасига мурожаат этишингиз мумкинлигини ва агар иш рақамингиз якуний жараёнлардан ўтиш учун тўғри келса ва виза олиш талабларига жавоб берсангиз, DV визаси берилишини билдиради. Фақатгина 55000та визалар ушбу мурожаат этувчиларга берилиши мумкин.

## 29. Муваффақиятли иштирокчилар қандай сараланади?

Иштирокчилар 2021 йил, 8 майдан бошлаб то 2022 йил, 30 сентябрга қадар E-DVнинг [dvprogram.state.gov](https://dvprogram.state.gov) интернет саҳифасида жойлашган Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали сараланганлари ҳақида расман хабардор қилинадилар. Давлат Департаменти сараланганлик хабарномалари ёки хатларни почта ёки электрон почта орқали **жўнатмайди**. Давлат Департаментидан келмаган DV танловида сараланганлигингиз хусусида хат ёки электрон почта орқали хабарнома ҳақиқий эмас. Давлат Департаментидан сизга юборилган ҳар қандай электрон хатлар мурожаатингизга боғлиқ бўлган янгиликларни кўриш учун Аризачи Мақомини Текшириш Функциясини кўриб чиқишингизга кўрсатма беради. Давлат Департаменти сиздан почта ёки Western Union сингари хизматлар орқали пул жўнатишни ҳеч қачон сўрамайди.

Ҳар бир минтақадан қабул қилиб олинган барча аризалар алоҳида рақамланади, ва рўйхатга олиш даври ниҳоясида, компьютер ҳар бир географик минтақа бўйича қабул қилиб олинган аризаларни тасодифий танлаш йўли билан саралаб олади. Ҳар бир минтақа ичида биринчи саралаб олинган ариза рўйхатдан ўтган биринчи иш бўлиб, иккинчиси эса иккинчи бўлиб рўйхатдан ўтган ҳисобланади ва ҳоказо. Рўйхатга олиш даврида қабул қилинган барча аризаларнинг ўз минтақаси ичида танлаб олиниш эҳтимоли тенг. Ариза сараланган тақдирда иштирокчи 2021 йил, 8 майдан бошлаб E-DVнинг [dvprogram.state.gov](https://dvprogram.state.gov) Интернет саҳифасида жойлашган Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check) орқали хабардор қилинади. Агар аризангиз сараланса ва сиз Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси (Entrant Status Check)даги кўрсатмаларга биноан жавоб берсангиз, Давлат Департаментининг Кентукки Консуллик Маркази (ККМ) то визага ариза берувчи бўлиб сараланганлар АҚШ Элчихонаси ёки Консуллигига виза учун суҳбатга келишлари хусусида йўл-йўриқ олмагунча ёки Америка Қўшма Штатларидаги мавқеини ўзгартиришга мурожаат этаётганлар АҚШдаги Фуқаролик ва Иммиграция Хизмати (USCIS)га мурожаат қилмагунларига қадар ишни олиб боришда давом этаверади.

**30. Мен аллақачон АҚШдаман. Агар сараланганлар қаторида бўлсам, АҚШда мақомимни АҚШ Фуқаролик ва Иммиграция Хизмати USCIS орқали ўзгартиришим мумкинми?**

Ҳа, агар сиз АҚШ Иммиграция ва Фуқаролик Актининг 245-бўлимида кўрсатилган мақомингизни ўзгартириш талабларига мувофиқ бўлсангиз, ўз мақомингизни доимий резидентга ўзгартириш учун USCIS га мурожаат қилишингиз мумкин. Сиз USCIS 2022 йил 30 сентябргача ўз мурожаатингиз, жумладан хориждаги турмуш ўртоқ ёки 21 ёшдан кичик бўлган фарзандларингизнинг мурожаатлари бўйича жараёнларни тугата олишига ишонч ҳосил қилишингиз керак, чунки айнан шу кунда DV-2022 дастурига мувофиқлигингизнинг амал қилиш муддати тугайди. Давлат Департаменти ҳеч қандай ҳолатда 2022 йил, 30 сентябрь 00:00 дан сўнг DV-2022 дастури учун ҳеч қандай виза рақамлари бермайди ва ҳеч қандай мақом ўзгартиришларини амалга оширмайди.

**31. Агар сараланганлар қаторида бўлсам, DV визасига қандай муддат ичида мурожаат этишга ҳақлиман?**

Агар DV-2022 дастурида сараланган бўлсангиз, фақат АҚШ ҳукуматининг 2022- солиқ йили мобайнида визага мурожаат этишингиз мумкин, яъни 2021 йил, 1 октябрдан, 2022 йил, 30 сентябргача. Саралаганларга якуний жараёнлардан ўтиш учун иш рақамлари тўғри келиши биланоқ имкон қадар эртароқ визага мурожаат этишлари тавсия этилади.

**Ҳеч қандай истисноларсиз, барча сараланган ва мувофиқ иштирокчилар солиқ йили ниҳоясигача визаларини олишлари ёки мақомларини ўзгартиришлари шарт.** Сараланган, лекин визаларини 2022 йил, 30 сентябргача (солиқ йили ниҳоясигача) ола олмаганлар учун DV имтиёзлари кейинги йилга ўтказилмайди. Шу тарзда аризачиларнинг турмуш ўртоқлари ва фарзандлари ўзларининг DV оила аъзоси сифатидаги визаларини ҳам 2021 йил, 1 октябрдан, 2022 йил, 30 сентябргача олишлари мумкин холос. АҚШдан ташқарида мурожаат этаётганлар Департамент томонидан Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси орқали ўз суҳбатлари белгиланган кундан тўрт-олти ҳафта муқаддам суҳбат вақтлари ҳақида хабардор этиладилар.

**32. Агар DV дастурида сараланган шахс вафот этса, унинг иши нима бўлади?**

Агар DV дастурида сараланган шахс АҚШга етиб боришдан аввал ёки мақомини ўзгартиришдан аввал вафот этса, DV иши автоматик равишда ёпилади. Вафот этган сараланган шахснинг турмуш ўртоғи ва/ёки фарзандлари ҳам шу вақтдан бошлаб DV визасига эга бўлишга ҳақлари бўлмайди. Уларга берилган ҳар қандай визалар бекор қилинади.

***ТЎЛОВЛАР***

**33. DV дастурига ариза топшириш учун қанча ҳақ тўлаш керак?**

**Электрон аризани топшириш учун ҳеч қандай тўлов ундирилмайди.** Бироқ, агар аризангиз сараланса, виза аризасини топшириш жараёнида барча талаб қилинадиган виза тўловларини бевосита АҚШ Элчихонаси ёки Консуллигидаги консуллик ғазначисига тўлашингиз зарур. Қўшма Штатларда бўлган сараланган шахс бўлсангиз, USCIS орқали ўз мақомингизни ўзгартириш учун барча талаб қилинадиган тўловларни бевосита USCISга тўлайсиз. Зарур турли миллатларга мансуб иммигрантлар визаси ва иммиграцион виза аризаси тўловлари ҳақида тафсилотларни E-DVнинг [dvprogram.state.gov](https://dvprogram.state.gov) Интернет саҳифаси орқали бериладиган йўриқномалардан оласиз.

**34. Агар саралансам, DV визасига боғлиқ тўловларни қандай ва қаерда тўлайман?**

Агар тасодифий танлов йўли билан сараланган аризачи бўлсангиз, DV визасига мурожаат этиш жараёнлари ҳақида [dvprogram.state.gov](http://dvprogram.state.gov) саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш Функцияси орқали йўриқномалар оласиз. Сиз DV ва иммиграцион визага тааллуқли барча тўловларни АҚШ элчихонаси ёки консуллигидаги консуллик ғазначисига ўзингиз шахсан тўлайсиз. Консуллик ғазначиси ўша заҳотиёқ сизга АҚШ ҳукуматининг тўлов тасдиқномасини (квитанция) беради. Агар АҚШ элчихонаси ёки консуллигида иммиграцион визага мурожаат этаётган бўлсангиз, DV тўловлари учун ҳеч кимга почта, Вестерн Юнион, ёки бошқа ҳар қандай етказиб бериш хизматларидан фойдаланиб пул жўнатманг.

Агар сараланган бўлсангиз ва аллақачон АҚШда бўлсангиз ҳамда USCIS орқали ўз мақомингизни ўзгартиришни режалаштирсангиз, [dvprogram.state.gov](http://dvprogram.state.gov) саҳифасидаги Аризачи Мақомини Текшириш Функциясида мавжуд бўлган йўриқномаларда АҚШ банкига DV тўловларини жўнатиш ҳақида маълумотлар берилган.

**35. Агар DVга мурожаат этсам, аммо виза олиш талабларига номувофиқлигим туфайли виза ола олмасам, тўлаган тўловларимни қайтариб олсам бўладими?**

Йўқ. Виза тўловлари қайтариб берилмайди. Сиз ушбу йўриқномада таъкидланган барча виза талабларига жавоб беришингиз шарт. Агар Консул сизнинг виза талабларига жавоб бермаслигингизни аниқласа ёки АҚШ қонуни бўйича виза олишингиз учун тақиқ қўйилса, Консул виза бера олмайди ва тўлаган барча тўловларингиз ушлаб қолинади.

***ВИЗА ОЛИШГА ҚОНУНИЙ ТАҚИҚЛАР***

**36. DV визасига мурожаат этган шахс сифатида, бирор виза олишга қонуний тақиқлардан истисно қилинишим мумкинми? Менинг истисно қилишга берган аризам бирор имтиёзли жараёндан ўтказиладими?**

DV аризачилари Иммиграция ва Фуқаролик Актида белгиланган иммиграцион визалар берилишига қўйилган барча тақиқларга бўйсундилар. Иммиграция ва Фуқаролик Актида белгиланганидан ташқари виза олишга қўйилган тақиқлардан истисно сифатида озод қилиш ёки озод қилиниш ҳақида аризаларни алоҳида кўриб чиқишга оид махсус моддалар йўқ. Яқин қариндошлари АҚШ фуқаролари ёки АҚШ доимий қонуний резидентлари бўлган қатнашчилар учун тақиқлардан истисно сифатида озод этиш бўйича баъзи умумий жараёнлар назарда тутилган бўлишига қарамасдан, DV дастурининг вақт билан чекланганлиги бу қатнашчилар мазкур жараёнлардан самарали фойдаланишини мураккаблаштиради.

***DV ДАСТУРИГА ОИД ФИРИБГАРЛИҚДАН ОГОҲ БЎЛИНГ***

**37. Интернетдаги фирибгарлик ва сўровсиз электрон почта хатлари ҳақида қаерга мурожаат этиб, маълумот беришим мумкин?**

Илтимос, [econsumer.gov](http://econsumer.gov) веб-сайтига мурожаат қилинг. Бу саҳифа Федерал Савдо Комиссияси томонидан бошқарилади ва 36 давлатнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш органларининг қўшма саъй-ҳаракатларини жамлайди. Шунингдек, фирибгарлик ҳақида Федерал Тергов Бюросининг (FBI) [Интернетда жиноятга қарши шикоят марказига](#) маълумот беришингиз мумкин. Сўровсиз юборилаётган электрон хатлар устидан шикоят учун [econsumer.gov](http://econsumer.gov) веб-сайтидаги “Телемаркетинг ва Рухсатсиз Юбориладиган Хатлар” га оид шикоятлар

функциясида фойдаланинг ёки [Адлия Вазирлиги веб-сайтига](#) кириб, қўшимча маълумот ва боғланиш учун манзил ва рақамлар учун “Сўровсиз Тижорат Хатлари (Спам)” саҳифаси билан танишиб чиқинг.

## ***DV ДАСТУРИ СТАТИСТИКАСИ***

### **38. DV-2022 дастурида бериладиган визалар сони нечта?**

Қонунга кўра, ҳар йили талабларга мувофиқ шахслар учун энг кўпи билан 55000 та виза мавжуд.

## ***УМУМИЙ САВОЛЛАР***

### **39. Агар DV дастури бўйича виза олсам, АҚШ ҳукумати АҚШга етиб олишим учун самолёт билетини тўлаб, менга у ерда иш ва уй-жой топишимда ёрдам бериб ва/ёки мен батамом ўрнашиб олгунимча тиббий ёрдам ва бирор ёрдам пули билан таъминлаб турадими?**

Йўқ. DV дастури бўйича виза олсангиз, АҚШ ҳукумати сиз санаб ўтган хизматларнинг бирортасини кўрсатмайди. DV визасига мурожаат этиш учун сараланган бўлсангиз, сизга виза берилишидан аввал, сиз АҚШда давлат қарамоғига тушиб қолмаслигингизни исботлашингиз керак. Агар дастурда сараланганлар қаторида бўлсангиз, Давлат Департаментининг жамоатчилик учун очиқ маълумотларидан давлат қарамоғига тушиб қолиш эҳтимоли қандай баҳоланиши ва қай турдаги далиллар сизнинг давлат қарамоғига тушиб қолмаслигингизни намойиш эта олиши ҳақида ўрганиб чиқинг.

## DV-2022 ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАР ХУДУДИДА ТУҒИЛГАН ШАХСЛАР УЧУН МИНТАҚА БЎЙЛАБ РЎЙХАТ

Қуйидаги рўйхатда ҳар бир жўғрофий минтақа бўйлаб ҳудудида туғилган шахслар DV-2022га мувофиқ бўлган мамлакатлар келтирилган. Хориждаги ҳудудлар ўзлари қарам бўлган давлат минтақасининг рўйхатига киритилган. Ҳудудида туғилган шахслар DV-2022 дастури учун номувофиқ бўлган мамлакатлар АҚШ Фуқаролик ва Иммиграция Хизмати (USCIS) томонидан Иммиграция ва фуқаролик ҳақида Қонуннинг 203(с) бўлимидаги формулага биноан аниқланди. Ҳудудида туғилган шахслар мазкур турли миллатларга мансуб иммигрантлар DV дастурига мувофиқ бўлмаган мамлакатлар (чунки улар оилавий ва меҳнат сабабларига кўра иммигрантликнинг асосий манбаидир, ёки иммигрантлик кўрсаткичи юқори мамлакатлардир) тегишли минтақавий рўйхатлардан сўнг белгиланган.

### АФРИКА

Жазоир	Ливия
Ангола	Мадагаскар
Бенин	Малави
Ботсвана	Мали
Буркина Фасо	Мавритания
Бурунди	Маврикий
Камерун	Марокаш
Кабо Верде	Мозамбик
Марказий Африка Республикаси	Намибия
Чад	Нигер
Комор ороллари	Руанда
Конго	Сан Томе ва Принсипи
Конго Демократик Республикаси	Сенегал
Кот д'Ивуар	Сейшел ороллари
Жибути	Сьерра Леоне
Миср*	Сомали
Экваториал Гвинея	Жанубий Африка
Эритрея	Жанубий Судан
Эфиопия	Судан
Габон	Свазиленд
Гамбия	Танзания
Гана	Того
Гвинея	Тунис
Гвинея-Биссау	Уганда
Кения	Замбия
Лесото	Зимбабве
Либерия	

\*1967 йилнинг июнь ойигача Исроил, Иордания, Сурия ва Миср томонидан бошқарилган ҳудудларда туғилган шахслар, мутаносиб равишда Исроил, Иордания, Сурия ва Мисрга тегишли бўладилар. Ҳазо ҳудудида туғилган шахслар Мисрга тегишли. Иордан дарёсининг Ғарбий Қирғоғида туғилган шахслар Иорданияга тегишли. Голан Тепаликлари ҳудудида туғилган шахслар Сурияга тегишли.

Африка бўйича бу йилги турли миллатларга мансуб иммигрантлар дастурида Нигерияда туғилган шахслар мувофиқ эмас.

## ОСИЁ

Афғонистон  
Баҳрайн  
Бутан  
Бруней  
Бирма  
Камбоджа  
Гонконг Махсус  
маъмурий округи\*\*  
Индонезия  
Эрон  
Ироқ  
Исроил\*  
Япония\*\*\*  
Иордания\*  
Қувайт  
Лаос  
Ливан  
Малайзия

Мальдив ороллари  
Монголия  
Непал  
Шимолий Корея  
Уммон  
Қатар  
Саудия Арабистони  
Сингапур  
Шри Ланка  
Сурия\*  
Тайвань\*\*  
Таиланд  
Тимор-Лесте  
Бирлашган Араб Амирликлари  
Яман

\*1967 йилнинг июнь ойигача Исроил, Иордания, Сурия ва Миср томонидан бошқарилган ҳудудларда туғилган шахслар, мутаносиб равишда Исроил, Иордания, Сурия ва Мисрга тегишли бўладилар. Ғазо ҳудудида туғилган шахслар Мисрга тегишли. Иордан дарёсининг Ғарбий Қирғоғида туғилган шахслар Иорданияга тегишли. Голан Тепаликлари ҳудудида туғилган шахслар Сурияга тегишли.

\*\* Макау М.М.О. (Европа региони, Португалияга тегишли) ва Тайвань (Осиё региони) **мувофиқ бўлиб**, шу ерда санаб ўтилган. Фақатгина турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастури миқёсида, Макау М.М.Ода туғилган шахслар мувофиқликни Португалия ҳисобидан оладилар.

\*\*\*Хабомай ороллари, Шикотан, Кунашири ва Эторофуда туғилганлар Японияга тегишли бўладилар. Жанубий Сахалинда туғилганлар Россияга тегишли ҳисобланадилар.

Қуйидаги Осиё давлатларида туғилган шахслар мазкур йилдаги Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурига мувофиқ эмас: Бангладеш, Хитой (шу жумладан Гонконг), Ҳиндистон, Покистон, Жанубий Корея, Филиппин, ва Вьетнам.

## ЕВРОПА

Албания  
Андорра

Арманистон  
Австрия

Озарбайжон  
Беларусь  
Бельгия  
Босния ва Герцеговина  
Болгария  
Хорватия  
Кипр  
Чехия Республикаси  
Дания (унинг таркиби ва хориждаги  
карам худудлари)  
Эстония  
Финландия  
Франция (унинг таркиби ва хориждаги  
карам худудлари)  
Грузия  
Германия  
Греция  
Венгрия  
Исландия  
Ирландия  
Италия  
Қозоғистон  
Косово  
Қирғизистон  
Латвия  
Лихтенштейн  
Литва  
Люксембург  
Макау Махсус Маъмурий Округи\*\*  
Македония

Мальта  
Молдова  
Монако  
Черногория  
Нидерландия (унинг таркиби ва хориждаги  
карам худудлари)  
Шимолий Ирландия\*\*\*  
Норвегия (унинг таркиби ва хориждаги  
карам худудлари)  
Польша  
Португалия (унинг таркиби ва хориждаги  
карам худудлари)  
Руминия  
Россия\*\*\*\*  
Сан Марино  
Сербия  
Словакия  
Словения  
Испания  
Швеция  
Швейцария  
Тожикистон  
Туркия  
Туркменистон  
Украина  
Ўзбекистон  
Ватикан шаҳри

\*\* Макау М.М.О. **мувофик бўлиб**, шу ерда санаб ўтилган. Фақатгина турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастури мақиясида, Макау М.М.Ода туғилган шахслар мувофикликни Португалия ҳисобидан оладилар.

\*\*\* Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастури миқёсидагина Шимолий Ирландияга ўзга ёндашув билан қаралди. Шимолий Ирландия **мувофик бўлиб**, мувофик давлатлар орасида келтирилди.

\*\*\*\* Хабомай ороллари, Шикотан, Кунашири ва Эторофуда туғилганлар Японияга тегишли бўладилар. Жанубий Сахалинда туғилганлар Россияга тегишли ҳисобланадилар.

Қуйидаги Европа давлатлари худудида туғилган шахслар мазкур йилдаги Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун Визалар дастурига мувофик **эмас**: Буюк Британия (Бирлашган Қироллик). Буюк Британия (Бирлашган Қироллик) қуйидаги қарам худудларни ўз ичига олади: Ангуилла, Бермуда, Британия Виржиния ороллари,



Британия Ҳинд Океани ҳудудлари, Кайман ороллари, Фолькланд ороллари, Гибралтар, Монсеррат, Питкаирн, Жанубий Джорджия ва Жанубий Сэндвич ороллари, Муқаддас Елена, Турк ва Кайкос ороллари.

## **ШИМОЛИЙ АМЕРИКА**

Багама ороллари

Шимолий Америкада Канада ва Мексика ҳудудида туғилган шахслар бу йилги Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурида иштирок этишга **номувофикдир**.

## **ОКЕАНИЯ**

Австралия (унинг таркиби ва хориждаги қарам ҳудудлари)

Фижи

Кирибати

Маршал ороллари

Микронезия, Науру

Федератив Штатлари

Янги Зеландия (унинг таркиби ва хориждаги қарам ҳудудлари)

Палау

Папуа Янги Гвинея

Самоа

Соломон ороллари

Тонга

Тувалу

Вануату

## **ЖАНУБИЙ АМЕРИКА, МАРКАЗИЙ АМЕРИКА ВА КАРИБ ОРОЛЛАРИ**

Антигуа ва Барбуда

Аргентина

Барбадос

Белиз

Боливия

Чили

Коста Рика

Куба

Доминика

Эквадор

Гренада

Гайана

Гондурас

Никарагуа

Панама

Парагвай

Перу

Сент Кристофер ва Невис

Сент Люсия

Сент Винсент ва Гренадинлар

Суринам

Тринидад ва Тобаго

Уругвай

Венесуэла

Минтақада мазкур йилдаги Турли миллатларга мансуб иммигрантлар учун визалар дастурига ҳудудида туғилган шахслар **номувофик** бўлган давлатлар: Бразилия, Колумбия, Доминикана Республикаси, Сальвадор, Гватемала, Гаити, Гондурас, Ямайка, ва Мексика.